*Маҳаллий саноат*

# ОМИЛКОРЛИК

Уқувли, тадбиркор оила бошлиғи рўзғорини зориқтирмайди. Кундалик турмушга зарур бўлган туз-намакдан тортиб ун-гуручгача, гугуртдан тортиб михгача ғамлаб қўяди. Айниқса, дўконларнинг пештахталари шип-шийдон бўлган шу кунларда ишбилармонлик асқотиши турган гап. Рўзғор — ўз номи билан ғор.

Неъматжон ака буни яхши билади. Тақчиллик одамларни қийнаб қўймоқда. Қайси куни автобус бекатида иттифоқо икки кишининг суҳбатини эшитиб қолди. Уларнинг бири дон-дун, ун-гуруч, пахта мойи излаб юрганини айтиб зорланса, иккинчиси қурилиш материаллари тополмай сарсон бўлаётганидан ҳасрат қиларди. Ҳозир бу ташвишлар ҳеч кимга бегона эмас. Неъматжон ака ўзича мулоҳаза юритиб, йўловчиларга яқинлашди.

— Қаердан сўраймиз, яхшилар?

— Қўшни қишлоқдан.

— Жуда яхши. Пахта ёғи ёки қурилиш материали излаб овора бўлишнинг ҳожати йўқ. Бизда ҳаммаси топилади. Келиб буюртма берилса, бас.

— Қаранг, билмас эканмиз-а.

Неъматжон ака ҳамроҳларига Ҳаққулободда кичик корхона қурилганлиги, маҳаллий хом ашё ҳисобига бу ерда уй-рўзғор буюмлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқарилаётганлиги ҳақида гапириб берди.

Дарҳақиқат, Энгельс номли жамоа хўжалигида амалга оширилаётган хайрли ишларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу борада тиниб-тинчимас инсон Неъматжон Нишонов куч-ғайратини аямаяпти. Ёрдамчи корхона ташкил этиш фикри ҳам аслида ундан чиққанди. Тадбиркорликда ҳикмат кўп. Эл ташвишида елиб-югурган киши асло кам бўлмайди. Н. Нишонов раҳбарлик қилаётган корхонада ҳозир мева шарбати, помидор томати, зиғир мойи, маккажўхори қаламчалари, кўрпабоп пахта, ғишт, мих сингари ўн хилга яқин маҳсулот ишлаб чиқарилаяпти. Уларнинг нархи анча арзон, сифати яхши. Шу туфайли талабгорлар тобора кўпайиб бораётир. Бири зиғир мойи харид қилса, иккинчиси ғишт учун буюртма беради. Бу эса ҳар жиҳатдан ўнғай ва фойдали.

Ёрдамчи корхона хўжалик аъзоларининг жонига ора кираяпти. Янгилик шарофати билан 100 дан зиёд киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Бултур қуриб битказилган ғишт тайёрлаш цехи кўпчиликнинг оғирини енгил қилмоқда. Бу ерда йилига 500 минг дона хом ғишт ишлаб чиқарилаяпти. Соз тупроқ излаб, узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Зарур миқдордаги хом ашё хўжаликнинг ўзидан чиқаяпти. Мўйдинжон Иброҳимов раҳбарлигидаги ушбу жамоада иш икки сменада ташкил этилган. 10 нафар қўли гул йигитлар ўзаро беллашиб, белгиланган нормани 1,5—2 ҳиссага адо этаяптилар. Бу ташаббускорларнинг ғайрати туфайли кунига 10—12 минг дона ғишт тайёрланаяпти.

Ўтган йили жумҳурият Президенти фармонига асосан 450 оилага уй-жой қуриш ва томорқа учун 113 гектар ер ажратиб берилди. Қишлоқда тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш йўлида барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Иркутсклик ўрмончилар билан ҳамкорлик ўрнатилган. Мева-сабзавот етказиб бериш ҳисобига қардошлардан 200 куб ёғоч-тахта олинди. Маҳсулот айирбошлашнинг бу самарали усули ҳар икки томон учун наф келтираётир. Турар-жой, мактаб, болалар боғчаси, чойхона каби маданий-маиший бинолар жадал қад ростламоқда.

Иқтисодий мустақиллик қишлоқ ҳаётида янги уфқлар очаяпти. Буни қадимий Ҳаққулобод мисолида ҳам кўриш мумкин. Илгари одамлар уй-жой қуриш учун арзимас нарсаларни излаб, қимматли вақтларини бой беришарди. Оддий михни олайлик. Дўконларда ҳозир шу матоҳни ҳам тополмайсиз. Қишлоқда мих ишлаб чиқариш цехининг очилиши айни муддао бўлди. Бу ерда бир неча хил маҳсулот тайёрланмоқда. Шахсий уй-жой қурувчилар уни буюртма асосида арзон нархда харид қилишаяпти.

Кейинги пайтда пахта мойи тақчил бўлиб қолганлиги сир эмас. Ёғсиз эса қозон қайнамайди. Мойжувоз ишга тушди-ю, ҳаққулободликлар бу ташвишдан қутилдилар. Хўжаликнинг тажрибали механизаторлари Раҳмонали Номозов ҳамда Раҳмонали Сулаймоновларнинг уддабуронлиги қўл келди. Улар ташландиқ ускуналарни таъмирлаб, қўлбола мойжувоз ясадилар. Бир йигитга қирқ ҳунар оз деганлари шу-да. Кунига 200 килограммдан зиғир мойи тайёрланмоқда. Хом ашё учун елиб-югуришнинг ҳожати йўқ. Хўжаликда 3 гектар ерда кунжит етиштирилаяпти. Шунингдек, чигит, нўхат, мева мағзи аралашмаси ҳам қимматли хом ашё ўрнини босаётир. Чиқиндиси ширали озуқа сифатида чорвачиликда асқотаяпти.

Жамоа хўжалиги хазинасини тўлдириш, шу йўл билан иқтисодиётни кўтариш барчанинг ўй-фикрини банд этган. Кунлардан бир куни ғаллакор Бекбўлат Тўланов раис ҳузурига кириб, маккажўхори қаламчалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган цех очиш таклифини ўртага ташлади. Унинг гапида жон бор эди. Сабаб — хўжаликда 80 гектар ерда дон учун маккажўхори экилар, ундан ҳар йили 50—60 центнердан ҳосил олинарди. Айниқса, бурноғи йили 420 тонна макка дони етиштирилган, режадагидан анча кўп хирмон кўтарилганди.

Қаловини топса, қор ҳам ёнаркан. Бекбўлат миришкор деҳқонгина эмас, темирга ҳам «жон» киргизадиган қўли гул йигит чиқиб қолди. Ҳаш-паш дегунча махсус цехни қуриб битказди. Эҳтиёждан зиёд маккажўхори дони цехда қайта ишланиб, қадоқланган ҳолда истеъмолчиларга етказиб берилаяпти. Турли витаминларга бой, хуштаъм маккажўхори қаламчаларини болаларгина эмас, катталар ҳам суйиб танаввул қилишаяпти. Шу ҳисобдан жамоа хўжалиги ҳар ой 1000—1500 сўм қўшимча даромадга эга бўлаётир.

Ҳаққулободлик уй бекаларининг орзулари рўёбга чиқмоқда. Яқинда фойдаланишга топширилган пахта титиш цехи уларнинг мушкулини осон қилаяпти. Бу ерда кунига 500 килограмм рўзғорбоп маҳсулот тайёрланмоқда. Хўжаликнинг консерва цехи ҳам узлуксиз ишлаб турибди. Тайёрланган мева қиёмлари, помидор томатлари, чанқовбосди ичимликлар аҳоли дастурхонини безамоқда. Бу ерда меҳнат қилаётган 30 нафар ишчининг аксарияти уй бекалари, ўрта мактабни тугаллаган йигит-қизлардир. Йиллик даромад эса 120—130 минг сўм атрофида.

Ҳаққулободликлар яна бир хайрли юмушга қўл уришмоқчи. Музқаймоқ цехи қуриш мўлжалланмоқда. Маблағ етарли, зарур ускуналар сотиб олинса, бас. Бир сўз билан айтганда, аҳоли фаровонлигини ошириш, рўзғор кам-кўстини тўлдириш учун ички имкониятлар қидириб топилмоқда. Зеро тўкинчилик осмондан тушмайди. Ўзингдан чиққанига не етсин!

**С. РУЗИМАТОВ.**

# АНДИЖОН ЧЕВАРЛАРИ СИНГАПУРГА БОРИШАДИ

Андижон бадиий буюмлар фабрикаси республика кўрик-танлови ғолиби сифатида Сингапурда ўтказиладиган халқаро ярмаркада қатнашадиган бўлди. Корхона чеварлари Тошкентдаги амалий санъат музейида ташкил этилган бу кўрикка пухта ҳозирлик кўришди. Улар яратган олтмиш турдаги попопчилик ва каштачилик буюмлари кўргазма чиройига-чирой қўшди. Кўрик якунига кўра, маҳаллий саноат корхоналари орасида андижонликлар биринчи ўринни эгалладилар.

Корхона маҳсулоти иттифоқимиздагина эмас, хорижий мамлакатларда ҳам шуҳрат қозонмоқда. Бирлашган араб амирликларининг илтимосига мувофиқ уларга попопчилик маҳсулотлари, асосан сўзана, зардевор ва жойнамозлар намуна сифатида юборилган эди. Маҳаллий саноат вазирлигидан маълум қилишларича, ўзбек чеварларининг бу ранг-баранг буюмлари хорижликларга манзур бўлган. Улар фабрика билан шартнома асосида ҳамкорлик қилиш истагини билдирганлар.

Андижонлик чеварларнинг попопчилик ва каштачилик буюмлари хитой ва италияликларни ҳам қизиқтириб қўйди. Германиянинг «Кудак» фирмаси вакиллари эса қўшма корхона ташкил этишни таклиф қилишди.

Буюмлар турини кўпайтириш эвазига фабрика шундай муваффақиятга эришмоқда. Илгари бу ерда фақат турли дуррачалар тикиларди. Энди тайёрланаётган маҳсулотнинг асосий қисмини халқ ҳунармандчилиги ва тикувчилик, амалий санъат буюмлари ташкил этмоқда. Аҳоли ўртасида «Оналаримиз бисотидан» деб номланган кўрик-конкурслар тез-тез ўтказиляпти. Уларнинг ғолиблари тайёрлаган буюмлар кенг намойиш қилинаётир. Энг муҳими — уй бекалари бўлмиш моҳир чеварлар ишга жалб этилаётир.

Каштачи Оминахон опа Муллабоева тиккан Бобур портрети, сўзаначи Холисхон Довудованинг юз йил олдинги нусхалар асосида яратган буюмлари жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Бу иккала чевар ҳам бугунги кунда фабриканинг моҳир усталари сафидан ўрин олишди. Қадимий дўппи нусхаларининг қайта тикланиши ҳам шундай кўриклар натижаси бўлди. Корхона бош рассоми Абдуллажон Жўрабоев бошлиқ ижодий группа ана шундай ноёб нусхаларни кенг оммалаштиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Фабрика маҳсулотининг хиллари кўпайиб боргани сари ишлаб чиқариш майдонлари торлик қилиб қолмоқда. Шунинг учун корхонани кенгайтириб қўшимча бино қуришга киришилди. Бу ерда ишлаб чиқариш цехларидан ташқари фирма дўкони ҳам очилади.

**Б. МАНСУРОВ,**
**(ЎзТАГ мухбири).**

## *МАКТУБ ЙЎЛГА ЧОРЛАДИ*

**«Қалқама» — Чироқчининг энг йирик ва чекка хўжаликларидан бири. Унинг тўрт тарафини тоғу тошлар, қиру адирлар ва бепоён сарҳадлар қуршаган. Бир ёни кўҳна Самарқандга, яна бир тарафи эса Сурхон воҳасига туташган бу маконнинг замини серҳосил, осмони мусаффодир. Эли одатдагидек қадоққўлли, хокисору камсуқум. Аҳолининг қувончию ташвиши ер — она заминга узвий боғлиқ. Эртанги ёруғ кун илинжида қалқамаликлар ҳам ерга уруғ қадайдилар. Мол боқиб, дуркун қўзи оладилар. Улар ташвиши, ҳаётий армонлари Қалқаманинг сирли тунлари қўйнида балқиб турганини у ерда бўлган киши дарров ҳис этади.**

**Ёмғир шивалайди... Район марказидаги торгина бозорчани айланамиз. Аёллар, юпун кийинган болакайлар нигоҳимизни ўғирлайди. Иқтисодий танглик бу ерга ҳам ўз касрини сочган. Гўшт учун навбатда турганлар, картошканинг «осмон»даги нархидан нолиганлар «хўроз ҳамма ерда ҳам бир хил қичқираётганидан» далолат беради.**

**Тушликдан сўнг Қалқамага йўл олдик. Муҳарририятга йўлланган шикоят хатни қайта-қайта ҳижжалайман:**

**«...Биз Чироқчи районидаги «Қалқама» давлат хўжалигиданмиз. Совхозимиз асосан боғдорчиликка ихтисослашган. Хўжалик ташкил топгандан буён ўз меҳнатимизга яраша ҳақ ололмаётганимиз сабабли ушбуни йўллашга жазм этдик. Билсангиз, совхозимиз давлатдан қарздор. Шунинг учун ҳам узоқ вақт индамай келдик. Энди эса илож қолмади. Бизга ёрдам беришларингизни сўраймиз.**

**Рустам Хуррамов исмли боғбонимиз ҳам адолатсизликка учраганини таъкидламоқчимиз. У 1990 йилнинг май ойида «штат» қисқарди баҳонаси билан ишдан бўшатилди. Боғ эса қоровулсиз қолди. Шундай бўлса-да, Р. Хуррамовга октябрь ойи учун маош ёзилганмиш. Уни ким олганлиги номаълум. Бундай мисоллар хўжаликда хоҳлаганингизча топилади. Ёрдам беринглар, деб бир гуруҳ ишчилар номидан:**

Холбозор ХУРРАМОВ,
Маҳмудмурод ХУШВОҚОВ
ва яна саккиз имзо».

# ҚАЛҚАМАНИ ҚАЛҚИТМАСИН

Муҳтарам газетхон! Кўриб турибсизки, мактуб илтижо билан ёзилган. Шунинг учун ҳам унга эътиборсиз қарашга ботинмадик. Чунки муҳарририятга юборилган ҳар қандай имзоли хабар бугун рўзноманинг эртанги кунини, ютуғу режаларини белгилаётир, десак муболаға бўлмас. Район марказидан Қалқамагача 50 километр. Баҳор ёмғири, салқин ҳаво кишини толиқтиради. Лойга ботган йўллар, пасту баланд қирлар бағридан ўтарканмиз, маҳаллий шароитнинг оғир эканлигига амин бўлдик. Ниҳоят жумҳуриятда номи чиққан Қалқама сув омбори кўзга ташланади. У ёғи эса биз излаган макон.

Совхознинг замонавий услубда қурилган ихчамгина идорасида хўжалик бухгалтерининг ўринбосари Турдимурод ака Ҳаққулов бизни қарши олди. Бир пиёла чой устида мақсадимизни баён этдик. Мактубга имзо чекканлар билан суҳбатлашишимиз лозимлигини таъкидладик.

Икки соатлар ўтгач, арзчилар билан учрашиш имкони туғилди.

Қишлоқ кишилари... Қадоқ қўлли отахонлар. Жабрдийда Рустамлар. Тошкентдан борганимизни эшитишиб ҳатто таажжубга тушганлар ҳам бўлди.

Арзчиларни ўз мактублари билан таништиргач, ғалати вазиятга тушганлигимизни яширишдан маъно бўлмаса керак. Хатга имзо чекканлардан Абдужамид ота Абдураҳмонов, Аврўйқул Зикиров, Муҳаммади ота Бозоров, Рустам Хуррамов, Маҳматқул Қўйлиевлар ундан умуман хабарсиз эканликларини таъкидлашди. Ана жумбоқ. Нима қилиш керак? Аризага имзо чекканлардан Бойназар Очилов, Маҳмудмурод Хушвоқовлар билан эса икки кун давомида учрашиш имкони бўлмади.

Яширмаймиз. Бозор ота Хуррамовгина ўз имзосини тан олди. У киши билан узоқ суҳбатлашдик.

— Ўтган 1990 йилда давлатга 2.206 килограмм узум топшириб, жами 750 сўм даромад қилдим, — деди отахон. — Бир гектарга яқин ерим бор. Совхоз билан тузилган шартномага асосан даромаднинг 20 фоизини — 182 сўмини ушлаб қолишди. Қолган 80 фоизи менга тегишли эди. Шундан қоровул ва бригадир ҳақига 73 сўм, техника хизмати учун 40, амортизация ҳақига деб 65 сўм, жами ҳисоблаганда эса 485 сўм ушлаб қолинди. Қўлимга текканн атиги 327 сўм 50 тийин бўлди...

Холбозор ота ихлос билан сўзларкан, унинг эътироз ва барча даъволарини тушунишга ҳаракат қилдим. Йил — ўн икки ой меҳнат қилиб давлатдан арзимас пул олган отахон дардини англагандек бўлдим. У киши ёлғиз яшашини, турмуш ўртоғи яқинда вафот қилганини айтди.

Масалага аниқлик киритиш мақсадида Турдимурод Ҳаққуловга юзландим.

— Холбозор отанинг айтганлари рост, — дейди хўжалик бухгалтери. — Ижара шартномасида ана шундай солиқлар учун пул ушлаб қолиш кўрсатилган. Бу эса амалдаги қонунлар доирасида қилинган иш. Шартнома варақасида кўрсатилган бандларни ўзгартиришга, афсуски, ҳаққимиз йўқ. Ижарачи эса унга имзо чекаётганида ана шу қоидалар билан танишган...

Холбозор отага қарайман.

— Қарилик-да, болам. Бошида яхши англамаган эканмиз.

Солиқлар миқдорини ўзимча ҳисобладим. Ҳаммаси рисоладагидек. Хўш, унда отанинг эътирозлари ўринсиз экан-да! Ҳа дейишга ҳам, йўқ дейишга ҳам иккиланасан. Деҳқон ўз пешона тери эвазига етиштирган маҳсулотининг атиги 43,3 фоизига эга бўлиши инсофданмикин? Шартнома варақаси Чироқчи район марказида нашр этилган. Демак, бундай «қаттиққўл», кўпроқ давлатга ён босадиган қоидалар биргина Қалқамадагина эмас, район ҳудудида кўплаб топилади. Холбозор ота эса варақадаги шартлар билан танишгач ижарачи — юридик шахс сифатида унга имзо чеккан...

Минг афсуски, эҳтирос-ла битилган шикоят хатида номлари зикр этилган бошқа кишилар ўз имзоларини тан олмадилар. Қоровулликдан ноҳақ четлаштирилган Рустам ака Хуррамов эса бундай мактубдан умуман бехабарлигини айтди. Унинг май ойидан кейин илгариги вазифасида ишламаганлиги аниқланди. Унинг таъкидлашича, ижарачилар ўзларига қоровул зарур эмаслигини айтишганидан сўнг, у ишдан олинган ва икки ой беиш юрган. Сўнгра хўжалик қурувчилари сафига қўшилган. Май ва июнь ойларида маошсиз яшаган. Хўш, бунинг учун ким айбдор? Яна ижарачилар имзо чеккан шартномалар мазмунига қарайлик. Р. Хуррамовни аввалига боғбонлар қоровулликка олишган. Иш ҳақи, даромаднинг озайиши сезилгач, унинг хизматидан воз кечиш тўғри йўл деб топилган. Оқибатда Р. Хуррамов «адолатсизлик» қурбонига айланган. Рустам аканинг редакция номига ёзиб берган тушунтириш хатида ҳам ана шулар тилга олинади.

Чиндан ҳам якка тартибда ёинки шартнома асосида бажариладиган меҳнат ҳужжатларида кўпчилик меҳнаткашлар учун ҳанузгача сирли томонлар бор. Мактубга имзо чекмаганман дея тушунтириш хати ёзиб берган Аврўйқул Зикиров ҳам ана шундай омадсизликка йўлиқибди. У ўтган йил мобайнида оила аъзолари билан 40 сотих ердан атиги 5 центнер узум топшириб 100 сўмгина даромад олган. Лекин негадир бу хокисор инсон нолимаётир. Аврўйқул аканинг таъкидлашича, унинг 10 та қўйи ва 3 та зотдор моли бор экан.

— Еримдан ана шуларга ем-хашак чиқади, — дейди у. Т. Ҳаққулов эса Аврўйқул аканинг сўзларини изоҳлади:

— Шундай ижарачиларимиз борки, — деди у, — ери сувсиз бўлса-да, ҳар гектаридан 8 тоннадан ошириб ҳосил етиштирган. Кўпчилик эса ўз еридан фақат ем-хашак олиш учунгина фойдаланади. Холбозор отанинг ери серсув. Негадир ҳосили яхши бўлмади. Оқибатини кўриб турибсиз. Ижарачи билан совхоз ўртасида келишмовчиликлар, бир-бирига ишонмаслик ҳоллари рўй бераётир. Менимча, бу шартнома ҳужжатларига юзаки муносабатда бўлиш оқибатидир. Мана, Аврўйқулни олинг. 40 сотих ердан атиги 5 центнер ҳосил олган. Бу бор-йўғи 100 сўм даромад деган гапдир. Шунинг учун ҳам ердан иложи борича унумли фойдаланиш йўлларини излаш, мўл ҳосил олиш ҳар биримизнинг бугунги кундаги бурчимиздир. Жумҳуриятдаги иқтисодий танглик ана шундай иш юритишга даъват этади. Хўжаликда эса бунинг учун қулай шароит мавжуд. Бу йил юқоридагидек келишмовчиликлар рўй бермасин деб ҳар бир ижарачи бўлим оталиққа олинди. Уларнинг иши энди йил давомида таҳлил этиб борилади.

Ҳа, чиндан ҳам мулоҳаза юритишга, таҳлил этишга арзигулик ҳолат. 1981 йилнинг январь ойида ташкил этилган хўжалик асосан боғдорчилик билан шуғулланади. Чорвачилик эса қўшимча тармоқ. Шу ўринда ана шу «қўшимча соҳа» хусусида фикр билдириб ўтиш лозим.

Лангар қишлоқ Совети ҳудудида 8167 киши истиқомат қилса, улар қўлида 3.243 бош, йирик шохли мол, 6.834 та қўй ва эчкилар бор. От ва биялар 35, паррандалар сони эса 7.539 та.

Кўриниб турибдики, хўжаликда қўшимча тармоқ ҳам залворли. Лекин соҳага бўлган эътибор айтарли даражада эмаслигини кўпчилик таъкидлади.

— Бир неча йилдан буён чўпонларга ёлчимаймиз, — деди Т. Ҳаққулов куйиниб. — Хўжаликдаги мавжуд чорва моллари навбат билан боқилади. Бутун хўжалик ҳудудида бор-йўғи 5 нафар чўпон борлигини айтиш кулгили ҳол, албатта. «Иш ҳақи» яхши тўланса-да, кишиларимиз негадир бу касбни ўзларига эп кўрмаётирлар.

Чўпонлик машаққатли, албатта. Лекин шарафли касб. Чўпон элни тўйдириб, савоб олади. Шулар ҳақида ўйлаяпману Лангар қишлоқ Советининг масъул котиби С. Мейлиевдан олган маълумотларга кўз югуртираман: ишга яроқли аҳоли 3.409 киши, ишсизлар сони эса 1.460 нафар...

Ишсизлар... Улар ким ўзи? Нега хўжаликда улар сони кўп? Нима, маҳаллий шароит оғирми ёки хўжаликда тайинли иш йўқми?

Хўжалик бошланғич партия ташкилотининг котиби, қишлоқ Советининг депутати Т. Турдиев билан суҳбатлашганимизда юқоридаги саволларга жавоб топгандек бўлдик.

— Партия ташкилотимиз 51 нафар коммунистни бирлаштирган, — деди у. — Шулардан 12 таси хотин-қизлар. 400 дан зиёд комсомол аъзоси бор. Бугун чиндан ҳам аҳолининг иш билан таъминланмаган қисмига меҳнат қилиш имкониятини яратиш биз, коммунистлар, халқ вакиллари ва совхоз раҳбариятининг асосий вазифаларидан бирига айланган. Яқинда ана шундай опа-сингилларимиз учун хўжалик ҳудудида Чироқчи район касаначилик фабрикасининг филиалини очишга муваффақ бўлдик. 17 опа-сингилимиз соҳа бўйича Тошкентда малака ошириб қайтди. Ҳозирги кунда фабрикада 40 дан зиёд аёллар меҳнат қилишаётир.

Майин жунли эчкилар тивитидан рўмол, пайпоқ ва жемпер тўқийдиган яна бир фабрика филиали ҳам ишга тушди. Ҳозирча бу ерда қишлоқ қизларидан 26 нафари меҳнат қилмоқда. Кўриб турганингиздек, Қалқама асосан тоғлар ва паст текисликлардан иборат. Бу ерда қурилиш учун зарур хом ашё — тошлар мавжуд. Бугун уларни қазиб олиб, ташкилотларга сотишни йўлга қўйдик. Бу ишлар тўла йўлга тушгач, аҳолининг яшаш шароити бирмунча яхшиланади.

Энди муаммоларга тўхталсак. Бугун хўжалик аҳолиси чиндан ҳам тоза ичимлик сувига муҳтож. «Қалқама»нинг бор-йўғи иккита қишлоғигагина автобус қатнайди». Тўғри, ҳозирги кунда Говхона ва Тутли қишлоқларида ҳам транспорт қатновини йўлга қўйиш режалаштирилаётир. Лекин бу ҳозирча орзу, холос. Истардикки, Чироқчи район ижроия комитетининг раҳбарияти, қолаверса, вилоят ижроия қўмитасидаги мутасаддилар мазкур муаммоларнинг бартараф этилишида кўмак қўлини чўзсалар...

Ҳа, тоғли районда жойлашган «Қалқама» давлат хўжалиги аҳолиси учун ичимлик суви ва транспорт қатнови биринчи галдаги муаммодир. Яна бир гап, йўлларнинг носозлиги. Қишлоқ йўллари тўла асфальтланиши лозим.

230-Ленинград сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига сайланган, вилоят ижроия қўмитасининг раиси Т. Хидиров сингари мутасаддилар бундай муаммолар хусусида жиддий ўйлаб кўришларига қалқамаликлар умид қилишмоқда. Сайлов арафасида эса халқ ўз вакилларига ана шундай наказлар беришган эди. Демак, уларга ишонч билдирилган. Халқ ишончи эса муқаддас. Берилган ваъдани унутишга, муаммоларга бефарқ қарашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бундан ташқари Лангар қишлоқ Совети ҳудудида 30 та қишлоқ Советининг, район ва вилоят Советларининг депутатлари бор. Агар бу кучлар бирлашса муаммолар ечими шубҳасиз осон кечади.

Энди яна бизни йўлга чорлаган мактубдаги сатрларга қайтсак. Унда хўжаликнинг давлатдан қарздорлиги тилга олинганди. Хўжалик бухгалтерияси маълумотларига қараганда совхоз давлатдан қисқа муддатда қайтариш шарти билан 223 минг сўм, янги техника, иморат ва иншоот сотиб олиш учун узоқ муддатга 505,0 минг сўм қарз олган.

— Бироқ, — дейди хўжалик раҳбари Б. Боймуродов, — бу қарзлар хўжалик ишчиларининг иш ҳақларига заррача салбий таъсир ўтказмайди. Улар маошларини ҳам, бугунги нарх-наво оширилиши муносабати билан ҳукумат раҳбарияти томонидан берилаётган ёрдам пулларини ҳам тўласинча олишаётир. Энди муаммоларга келсак, улардан кўз юмиб бўлмайди. Табиий шароитимиз оғир.

Хўжалик ташвиши билан елиб-югураётган депутат фикрларини шарҳлаб ўтирмаймиз. Бироқ мақолага нуқта қўйиш арафасида бир нарсага эътиборни қаратмоқчимиз. Хўжаликда меҳнат қилаётган ўнга яқин меҳнаткаш номидан редакцияга йўлланган мактубнинг асл муаллифи биз учун ҳам, қалқамаликлар учун ҳам сирлигича қолди. Шу ўринда совхоз бош бухгалтери Шамсиддин Раҳматовнинг бир гапини эслагим келди.

— Ука, ўша ёзганларга ҳам раҳмат дейман. Ҳеч бўлмаса қалқамалик захматкашларнинг бугунги ҳаётини, оғир меҳнатини кўриб кетаяпсиз-ку...

Ҳа, чиндан ҳам биз Қалқаманинг захматкаш, қадоқ қўлли боғбонлари, Рустам Хуррамов, Аврўйқул Зикиров сингари соддадил инсонлари билан учрашдик. Ёнгинасида улкан сув омбори бўла туриб ёз фаслида оби ҳаётга ташна бўлган боғларни кўрдик. Булар ҳақида ҳам дард, ҳам қувонч билан ёзгинг келади. Мақолага нуқта қўярканман, Қалқаманинг файзли оқшомларини эслайман. Негадир уларни сирли тунлар дегим келади. Қишлоқ номининг ўзи ҳам қандайдир ажойиб ўхшатишлар замирига қурилгандай. Қалқама! Биз у ерда бўлганимизда қишлоқнинг қалқиётган ҳолатларини кузатгандек бўлдик. Уни жамиятда юзага келган оғир ва масъулиятли жараёнлар, имону эътиқод, адолатсизлик ва бефарқлик ўртасидаги курашлари қалқитмасин. Олис-олисда қоп-қора булутларнинг чоки сўкилиб ёмғирлар қуйилади. Улар эса гўё қишлоқ дардини, унда юзага келган муаммоларни, кишилар ўртасидаги ишончсизлик уруғини ювиб кетаётгандек туюлади...

**М. АБДУРАҲМОНОВ,**
**«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

**Ўлкамиз бадиий кулолчилиги билан қадимдан машҳур. Жиззах сопол буюмлар заводида бу борадаги халқ анъаналари давом эттирилаяпти. Жамоада меҳнат беллашуви авж олдирилган. Тажрибали кулоллар қўлида жило топган турли сопол буюмлар нафис ва бежиримлиги билан диққатни тортади.**

**СУРАТДА: қолип тайёрловчи Ўриш Шокиров. У олти йилдан бери корхонада ҳалол меҳнат қилиб, ҳамкасблари ҳурматини қозонаяпти.**

У. ҚЎШВОҚОВ олган сурат.



# ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

ХАНОЙ. Мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг мураккаблигига қарамай Ханой мактаблари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш фақат расмий ташкилотларнинг эмас, шу билан бирга Вьетнам пойтахти бутун аҳолисининг ҳам диққат марказида турибди. Сўнгги беш йил мобайнида, дейилди Ханой Халқ Комитетининг бу ерда бўлиб ўтган кенгашида, мактаб таълими системасини такомиллаштиришга, унинг моддий базасини мустаҳкамлашга 42,8 миллиард донг ажратилди. Бу 2,2 мингдан кўпроқ мактаб биносини реконструкция қилиш ҳамда 12 та янги мактаб қуриш имконини берди. Сармоянинг катта қисми мебель, ўқув қўлланмалари, шу жумладан электрон техника сотиб олишга сарфланди.

Бу йўналишда сарфланаётган куч-ғайрат туфайли нисбатан қисқа муддат ичида уч сменада ишлаётган шаҳар мактабларини анча камайтиришга муваффақ бўлинди. Бироқ, шунга қарамай, шулардан 20 фоизи ҳануз ана шундай тиғиз режимда ишламоқда.

* * *

**БЕРЛИН. Ўтган кузда янги федерал ўлкаларда ҳунар таълими системасида ўзнга жой тополмаган 50 минг йигит-қиз сафига шу йил ёзи охирига бориб ўрта мактабларнинг яна бир неча ўн минг битирувчиси қўшилади. Бундай тахмин собиқ ГДРда ёшларга ҳунар ўргатиш масалалари юзасидан Берлинда ўтказилган уч кунлик кенгашда айтилди. Бугун тугалланган кенгашни Германия Касаба уюшмалари бирлашмаси (ГКУБ) ташкил қилган эди.**

**АДН агентлигига ёшлар орасида иш олиб бориш учун масъул бўлган ГКУБ Федерал котиби Фольклор Россоханинг хабар қилишича, учрашув иштирокчилари касаба уюшмаларининг, васийлик идорасининг ва сиёсий партияларнинг вакиллари билан биргаликда корхоналардаги аҳволни таҳлил қилдилар ва ёш мутахассисларнинг ҳунар-техника тайёргарлиги соҳасида вужудга келган долзарб муаммоларни ҳал этиш йўлларини изладилар. Бу муаммоларни, деб таъкидлади ГКУБ Федерал котиби, фақат ҳунармандчилик устахоналари, саноат корхоналари, васийлик идораси, жамоат хизматлари ва коммунал идоралар билан биргаликда ҳаракат қилиб ҳал этиш мумкин.**

**1991 йилнинг август ойида янги федерал ўлкаларда ўрта мактабларни 120 минг йигит-қиз битиради.**

* * *

НАЙРОБИ. 2000 йилга бориб Африка безори болаларнинг кўплиги жиҳатдан жаҳондаги бошқа барча қитъалардан ўзиб кетади. Бошпанасиз болалар муаммолари юзасидан бу ерда бўлиб ўтган халқаро семинар иштирокчилари шундай хулосага келдилар. Семинарни марказий ва шарқий Африка учун коинот ҳужжатлар ва ахборот маркази Кения черковлар миллий кенгаши билан ҳамкорликда ўтказди.

Найроби дорилфунуни жўғрофия факультетининг ўқитувчиси Р. Обудхо семинарда қилган «Урманизация ва безорилар» мавзусидаги маърузасида таъкидланишича, XXI аср бошларига бориб Африканинг йирик шаҳарларида қитъа давлатлари аҳолисининг қарийб 42.4 фоизи яшайди. Ҳозир бу кўрсаткич 35,7 фоизни ташкил этади. Кениянинг ўзига келганда эса, бу шарқий Африка мамлакатида шаҳарлар аҳолиси йилига 7,2 фоиз кўпаймоқда. Кейинги қирқ йил ичида Кения пойтахти аҳолиси 130 минг кишидан 1,7 миллион кишига етди, 2000 йилга бориб эса, бу кўрсаткич 3,2 миллион кишидан ошиб кетиши мумкин, дейилади ҳужжатда. Ана шундай манзара Африканинг бошқа катта шаҳарларида ҳам кузатилмоқда.

Шаҳар аҳолиси назорат қилиб бўлмас даражада кўпайишига ўзини ва оиласини боқиш учун иш топишга уриниб қишлоқлар аҳолисининг шаҳарларга оммавий равишда кўчиб келиши сабаб бўлмоқда. Обудхонинг маълумотларига кўра, ҳозирнинг ўзидаёқ Найроби аҳолисининг қарийб 60 фоизи овлоқ жойлардаги хароба кулбаларда яшамоқда. Уларнинг аксарияти қишлоқлардан кўчиб келган деҳқонлардир. Тажрибадан маълум бўлишича, шаҳар турмушига мослаша олмаган одамларнинг ўта қашшоқлиги оилалар бузилиб кетишига ва безори болалар кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Семинар иштирокчилари биринчи навбатда Африкада безори болалар кўпайиши сабаблари бартараф этилишини талаб қилувчи ана шу долзарб муаммони ҳал этиш учун таъсирчан тадбирлар ишлаб чиқишга муваффақ бўлолмадилар. Улар катталарни ҳурмат қилмай қўйган болаларни қайта тарбиялаш ҳозирча кутилган натижаларни бермаётганлигини таъкидладилар.

**(ТАСС).**

# Шарқнинг буюк мутафаккирлари

Табаррук ўлкамиз Туркистон (Мовароуннаҳр)да ўтмишда жуда кўп забардаст мутафаккирлар ва мутасаввуф донишмандлар яшаб ижод этишган. Ўшандай буюк олим ва шоирлардан бири, Хоразмда туғилиб ўсган, «Кубравия» тариқатининг асосчиси Шайх Нажмиддин Кубро (1145—1221) ҳисобланади. Ҳозирча у мўътабар зотнинг аниқ таржимаи ҳоли бизга маълум эмас.

Ушбу мақолада биз Абдураҳмон Жомийнинг «Нафаҳот-ул-унс», Алишер Навоийнинг «Насоим-ул-муҳаббат», Воиз Кошифийнинг «Рашаҳот айн-ул-ҳаёт», Фуод Кўпрулузоданинг «Турк адабиётинда илк мутасаввуфлар», Е. Э. Бертельснинг «Тасаввуф ва тасаввуфий адабиёт», Никелсоннинг «Ислом ва тасаввуф» сингари қўлёзма, тошбосма ва нашрий асарларида баён этилган баъзи бир маълумотларга асосланиб, Нажмиддин Кубронинг ҳаёти, фаолияти ва ижоди ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз.

Атоқли турк олими, марҳум Фуод Кўпрулузоданинг фикрига қараганда, XII—XIII асрларда Хўжа Аҳмад Яссавий Хуросон ва Мовароуннаҳр аҳолисини диний-мазҳабий ва тасаввуфий жиҳатдан поклик, тўғрилик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, меҳр-шафқат, ватанпарварлик каби илғор умумбашарий руҳда тарбиялаган беш нафар буюк шогирдларидан (Шайх Муҳаммад Бағдодий, Сайфиддин ал-Боҳарзий, Шайх Камол ал-Шайбоний, Шайх Саъдуддин, Шайх Баҳоуддин) бири бўлмиш Шайх Саъдуддин, Нажмиддин Кубро ва Камол Хўжандийларга ҳам устодлик қилган.

Унинг тўлиқ исми Аҳмад ибн Умар Абул Жанноб Нажмиддин ал-Кубро ал-Хиваки ал-Хоразмий бўлиб, 540 (1145—1146) йилда Хоразмдаги Хивак шаҳрида дунёга келган. У ўз даврида «Шайхи валитарош», яъни «валилар тарбиялайдиган шайх» номи билан ҳам машҳур бўлган.

Абдураҳмон Жомий ўзининг «Нафаҳот-ул-унс» асарида ёзишича, Нажмиддин ёш болалик пайтидаёқ илм истаб Миср ўлкасига равона бўлади. Мисрда у Рузбеҳхон Ваззон ал-Мисрий деган олим даргоҳида таълим олади. Рузбеҳхон уни ўғлидек яхши кўриб, алоҳида меҳр билан тарбия қилади, ҳатто унга қизини бериб, ўзига домод (куёв) қилиб ҳам олади. Сўнгра у Табризга бориб, у ердаги Имом Абу Мансур Ҳафда деган донишманд қарамоғида тарбия кўради, ундан «шарҳ ас-сунна» илмини ўрганади. Яна у Табризда Шайх Бобо Фараж, Аммор Ясир, Исмоил Касрий каби улкан мутасаввуф донишмандлардан тасаввуфга оид кўпгина зоҳирий ва ботиний илмларни эгаллайди. У Шайх Исмоил Касрий қўлида тасаввуфий ҳирқапўш даражасига етиб, ул ҳазратнинг оқ фотиҳасини ҳам олади. Унга Мисрдаги Шайх Иброҳим «Нажмиддин» деган ном берган бўлса, Табриздаги Шайх Исмоил Касрий «Кубро», яъни «улуғ» лақабини беради. Сўнгра у Мисрдаги устози ва қайнотаси Рузбеҳхон машварати билан ўз давридаги тасаввуфнинг улкан билимдони, мустақил шайх сифатида ўз ватани — Хоразмга қайтиб келиб, у ерда хонақо қуради, кўплаб шогирдлар тарбиялашга киришади. «Кубравия» ёки «Заҳобия» тариқатига асос солади. Бу тариқат ўз даврида Хуросон ва Мовароуннаҳр халқлари орасида кенг тарқалади. Мазкур тариқат аҳли орасида зикрнинг овоз чиқармасдан (хофий) ижро қилиш усули жорий бўлган. Шарқдаги энг машҳур мутафаккир ва мутасаввуф олимлар ҳисобланмиш Фариддуддин Атторнинг отаси Маждиддин Бағдодий ва Жалолиддин Румийнинг отаси Баҳовуддин Валад каби йирик мутасаввуф олимлар ҳам ул зотнинг шогирдлари саналади.

Нажмиддин Кубронинг Хоразмдаги сўнгги ҳаёти ўта оғир шароитда кечди. Бу даврда Хоразм, Шош, Бухоро ва Самарқанд султонларининг ноаҳллиги туфайли мўғулларнинг Туркистон (Ўрта Осиё)га қилаётган ҳамлалари кучайиб, Чингизхон лашкарбошилари Мовароуннаҳрдаги йирик шаҳарларни бирин-кетин беаёв босиб олаётган эдилар. Муҳаммад Хоразмшоҳнинг қўрқоқлиги, ношудлиги туфайли 618 (1221) йилнинг жумоди-ул-аввал (июль) ойида Чингизхоннинг лашкарбошиларидан бири Хулагухон ўзининг ёш, паҳлавон ўғли билан тумонат лашкар ила Урганч қалъасини ўраб олди. Шаҳар қамал ичида қолиб, аҳоли ниҳоятда оғир шароитда азоб чекаётган бир аснода, мункиллаб қолган 76 ёшлик кекса Кубро халқ орасидан лашкар тўплайди, қўлига найза ушлаб, дуои фотиҳалар ўқиб, ажойиб-ғаройиб мўъжизалар кўрсатади. Шу йўл билан қалъани бир неча кун душман ҳамлаларидан сақлаб туради.

Е. Э. Бертельс «Шайх Нажмиддин ҳақидаги қисса» асаридаги қайдларида ёзишича, жумоди-ул-аввал (июль) ойининг бошларида бир куни кечқурун кечга томон мўғуллар лашкарбошиси Хулагухон катта қўшин ила ҳамла қилиб Урганч қалъасини ўраб олади. Дарғазаб Хулагухон «Эртага тонг билан қалъани фатҳ қиламиз!», деб катта сўзлайди. Аммо эрталаб мўғул қўшинларининг кўзлари олдида қуршовда қолган қалъа бутунлай ғойиб бўлиб, қалъа ўрнида дашту—биёбон ва ўт-ўланлар қолади. Бу — забардаст Шайх Нажмиддин Кубронинг мўъжизаси эди! Бу мўъжизадан огоҳ бўлган туслик бир олим хонга дейди: «Бу мужтаҳид Шайх Кубронинг мўъжизасидир. Энди бу юртни фақат хоразмлик бўлган одам кўриши мумкин». Шу пайт Хулагухон туслик олим маслаҳати билан шу ерлик балиқчини топиб уни қосид (элчи) сифатида Шайх Кубро ҳузурига қалъа ичига музокара учун юборади. Шу аснода Муҳаммад Хоразмшоҳ бағоят васвасага тушиб, ўзининг ва аъёнларининг жонларини сақлаш учун зарур тараддудларни кўра бошлайди. Қалъа ичидаги халойиққа кекса ва тадбиркор Шайх Нажмиддин раҳбарлик қилар эди. Мазкур хоразмлик балиқчи (қосид) Шайх ҳузурига бориб шундай дейди: «Хулагухон Сиз Ҳазратга ижозат берди. Энди Сиз, шайхим, оила аъзоларингиз билан қалъадан чиқиб, истаган томонингизга азимат этишингиз мумкин». Бир қўлида асо, иккинчи қўлида найза ушлаб, қалъа ҳимоячиларига бошчилик қилаётган, мункиллаб қолган кекса ва мўътабар Шайх балиқчига шундай дейди:

## НАЖМИДДИН КУБРО

«Мен ҳаётимнинг энг яхши дамларини мана шу муқаддас тупроқда ўтказдим. Халойиқ учун энг оғир пайтда она тупроқни ташлаб кетиш энг разил аъмол, ўта пасткашлик ишдир!»

Шунда Кубронинг мўъжизавий қудратидан ва ажойиб кароматидан хабардор бўлган туслик олим Хулагухонга отларни тескари эгарлаб қалъага шиддат билан бостириб киришни маслаҳат беради. Мана шундай нозик ва масъулиятли бир пайтда баъзи бир ғаламислар «Шайх душманлар ила тил бириктирган», деб қалъа ичида иғво тарқатадилар. Шу тарзда Хоразмшоҳ билан Шайх ўртасида ихтилоф туғдирадилар. Хоразмшоҳ махсус айғоқчиларини (фолбинларини) юбориб, мўғуллар нима қилаётганларини билмоқчи бўлади. Фолбинлар: «Душманлар отларини тескари эгарлаб, Чинмочин (Хитой) томонга кетмоқдалар», деган хабар келтирадилар. Султон шу аснода шаҳардан чиқиб кетиш ниятида қалъа дарвозасига келади. Қараса Нажмиддин Кубро табаррук оёқларини дарвоза йўлагига узун ташлаб ўтирипти. Султон таъзим бажо келтириб, ундан оёқларини йиғиб олишни илтимос қилади. Шайх Нажмиддин оёқларини йиғиб, йўлакни бўшатади. Шайх ҳазратлари оёқларини йиғиштириб олган заҳоти дарвоза очилади ва ўшал аснода қалъа яна душманлар кўзи олдида намоён бўлади. Шайхнинг ўзи биринчи бўлиб дарвозадан ташқари чиқади. Икки орада тўс-тўполон ва қирғин-барот жанги яна бошланиб кетади. Хулагухоннинг ёш ва паҳлавон ўғли мункиллаб қолган, бир қўлига найза, иккинчи қўлига асо тутган, 76 ёшлик Шайх устига беаёв от чоптириб келади-да, ўткир шамширила унинг табаррук бошини танасидан жудо қилади. Муқтадир Шайх ҳамон ўз оёқларида типпа-тик туриб, бир қўлида ўзининг боши ва иккинчи қўлида ўз қотилининг пешонасидаги узун сочини маҳкам ушлаган ҳолда уни гандираклатиб судраб қалъа ёнидаги бир кампирнинг боғи томон дадил қадам ташлайди, боғ ичига кириб ерга йиқилади ва жон таслим қилади. Гап шундаки, мазкур кампир бир неча кун муқаддам Шайх Куброни туш кўрган ва унинг қони шу боғ ичида тўкилажаклигидан Шайх ҳазратларини огоҳ қилган эди. Шайх Кубро ўшандан бери гоҳо-гоҳо мазкур боққа ташриф буюриб турар эди. Шунинг учун ҳам Шайх ҳазратлари ўшал кампирнинг боғига бориб жон берган эди. Бу машъум воқеа ҳижрий 618 йилнинг жумоди-ул-аввал (1221 милодий йил, 3 июль) куни содир бўлади. Хулагухон аламига чидай олмай, қутириб, лашкари ила Урганч қалъасига яна ҳамла қилади, бутун аҳолини қиличдан ўтказиб, миноралари бирин-кетин қулатиб, ер билан яксон қилади.

Энди Нажмиддин Кубро ижодига бироз тўхталиб ўтайлик. Е. Э. Бертельс турли-туман қўлёзма манбаларини ўрганиб мазкур мутасаввуф олимнинг қаламига мансуб 25 рубоийни танлаб, ўзининг «Шайх Нажмиддин Кубро рубоийлари» мақоласида (форс тилида) келтиради Бироқ, Е. Э. Бертельс мазкур рубоийларнинг баъзиларини Нажмиддин Кубронинг қаламига мансуб ё мансуб эмаслигини ҳали баҳсли, деб ёзади ва ўшандай даргумон рубоийларни «сайёр» деб атайди. Мазкур 25 рубоийни шоир ва олим Жамол Камол 1988 йилда Шайх Кубро шеърларидаги оҳанг, вазн ва қофияларни сақлаган ҳолда биринчи марта ўзбек тилига таржима қилди.

Тасаввуфга оид кўпгина қўлёзма ва тошбосма асарларда берилган маълумотларга кўра, машҳур мутасаввуф шайхларнинг хонақоларида уюштирилган аксарият йиғинлар ва анжуманлар пайтида аввал қаввол (нотиқ) ўртага тушиб тасаввуфий руҳдаги рубоийларни қироат қилар эканлар. Сўнгра машшоқлар чалган ёқимли созу овоз жўрлигида хушовоз ҳофизлар ўшандай рубоийларни қўшиқ қилиб куйлашар экан. Йиғилганлар бир неча соат давом этган жўшқин ва ҳаяжонли кайфиятда жўшу-хуруш ва кўтаринки ҳолатда зикр тушар эканлар. Бу жараён «дарвишони чархон» деб аталган. Умуман, Шарқ маданиятидаги тасаввуф, унинг турли тариқатлари бизда ҳали яхши ўрганилмаганидек, самоъа, қолу ҳол ва зикр тушиш шакллари ҳам бизда шу пайтгача номаълум бир масала бўлиб қолмоқда. Келажакда ўтмиш маданий меросимизнинг жуда кўп муҳим муаммолари каби мазкур масалалар ҳам мукаммал ўрганилар, деб умид қиламиз. Хуллас, муайян мутасаввуфнинг фикру-андишаларини муайян тариқат аъзолари (солиқлар) орасида тарғиб ва ташвиқ қилиш жараёнида Шарқ классик шеърияти орасида ғазаллар, айниқса рубоийлар асосий тарғибот воситаси бўлиб хизмат қилган. Абу Саид Абул Хайр, Бобо Кўҳий Шерозий, Нажмиддин Кубро, Маждуддин Бағдодий, Фаридуддин Аттор, Жалолиддин Румий каби Шарқнинг буюк мутафаккирлари ўз даврларида нафақат мутасаввуф олим, балки машҳур муқтадир шоир сифатида ҳам улкан бадиий-адабий мерос қолдирганлар. Демак, рубоий ўтмишда Шарқ классик шеърияти навларидан энг машҳури ва халқ орасида кенг тарқалган қисми сифатида тасаввуфий ғояларнинг халқ орасида кенг тарқалишида муҳим роль ўйнаган. Шунинг учун ҳам ўтмишдаги машҳур мутасаввуф олимлар муқтадир рубоийнавис шоирлар сифатида ҳам халқ орасида машҳур ва манзур бўлганлар.

Тасаввуфий шеъриятда кенг тарқалган рубоий ҳақида сўз юритар эканмиз, илк рубоийларнинг яратилиши Шарқда форс-тожик шеъриятининг сардори Устод Рудакий (X аср) номи билан боғлиқ эканлигини эслатиб ўтмоқчимиз. XI асрда яшаган адабиётшунос олим Родвиёний рубоийни «чаҳоргона» деб атайди. Шарқнинг бошқа бир машҳур олими Рашидуддин Вотвот (XII аср) эса рубоийни «дубайти» деб атаган. XII асрда яшаган адабиётшунос олим Фахруддин Розий «Жомеъ-ул-улум» асарида рубоий вазнлари ҳақида батафсил ёзган.

Ибн Сино, Хайём, Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Бобур, Бедил, Иқбол, Хушҳол каби буюк шоирлар рубоийларини ўқиганимизда юқоридагидай Шарқ рубоийнавислигидаги анъаналар сўнгги асрларда тадрижий равишда давом этиб, ривожланиб-такомиллашиб келаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Шундай қилиб, XII асрда яшаб ижод этган атоқли рубоийнавис шоир, инсонпарвар, «Кубравия» тариқатининг асосчиси, буюк мутафаккир ва мутасаввуф донишманд, довюрак саркарда, улуғ ватанпарвар Шайх Нажмиддин Кубронинг ажойиб, ривоятларга тўла, ибратомуз ҳаёти, хайрли фаолияти ҳамда ижоди кўпчиликда қизиқиш уйғатиши табиийдир.

**Ориф УСМОНОВ,**
**ЎзССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими.**

## РУБОИЙЛАР

**Чун ҳақ ва талаб йўлига кирмоқ жоиз,**
**Дунё этагин тутиб, югурмоқ жоиз.**
**Кўрмоққа ўзингни саъй этгил, зеро,**
**Олам кўзи бирлан уни кўрмоқ жоиз.**

* * *

**Ишқ етса кўнгилга, дилга у дард айлар,**
**Дарди дили мард, мард боз мард айлар.**
**Ўз оташи ишқида ёнар ул, вале**
**Дўзахни чу ўзгалар учун сард айлар.**

* * *

**Ул бода ичиб демасмен: ҳушёр бўлайин,**
**Бул мастлиғ аро нанки бедор бўлайин.**
**Бир жоми тажаллийи жамолинг менга бас,**
**То йўқлигу борлиқдин безор бўлайин,**

* * *

**Бир кун кўрасанки, мен бежондурман,**
**Теграмда халойиқ тўла афғондурман,**
**Қабрим бошига келиб ўтиргил, айтгил:**
**«Ўлдирдим ўзим, вале пушаймондурман».**

* * *

**Чун шарбати ишқинг била дил маст бўлғай,**
**Ҳам ҳижри-фироқинг ила ул паст бўлғай.**
**Илгинг узатиб, сен бу йиқилганни кўтар,**
**Нест бўлган ўшал тан ва кўнгил**
**ҳаст бўлғай.**

* * *

**Ҳар лаҳза бу мардонаю фарзона кўнгил,**
**Ёнгай сенинг ишқинг била жонона кўнгил.**
**Бир лаҳза муҳаббат майини тарк этсам,**
**Тўлгай шу жигар қонига паймона кўнгил.**

* * *

**Бул шўху паришонлиғимиз боиси ул,**
**Ошуфтаю ҳайронлиғимиз боиси ул.**
**Ҳар кокули торига неча дил боғлаб,**
**Чун ғунчаи хандонлиғимиз боиси ул.**

* * *

**Ул силсила мўйи оҳудан қўрқармен,**
**Ул нозу карашма, кулгудан қўрқармен,**
**Ҳар кимсаки қўрқадур ёмон кўзлардин,**
**Мен бечора шу чашми жодудан қўрқармен.**

* * *

**Ой юзли санамларки, чу офтоб сийна,**
**Ул асли чигил[1] лардан эмиш ўйлагин-а.**
**Кўнгил олишар ва жонга ханжар солишар,**
**Ул жумла бало бўлса, алардин не гина?**

* * *

**Ҳар сабзаки сув яқинида юз очмиш,**
**Бир руҳи фариштадир, магар, кўз очмиш.**
**Бир хоки паривашки, ёмон қўйма қадам,**
**Бу гўшаки чун лолау наргис очмиш.**

1. Чигил — туркий қабилалардан бирининг номи. Бу қабилага мансуб қизлар ғоят гўзаллиги ва латофати ила машҳурдирлар.

Жамол КАМОЛ таржимаси.



**Кишилар қалбига эзгулик уруғини сочишда китоб ва зиё масканлари ходимларининг хизмати беқиёсдир. Поп пахта тозалаш заводи қошидаги Л. Камолова мудиралик қилаётган кутубхона ҳам ана шундай мўътабар даргоҳлардан. 3500 та китоб фонди ва 110 нафар мутоалачига эга бўлган зиё масканида тез-тез адабий кечалар, китобхонлар конференциялари ўтказилиб турилади.**

**СУРАТДА: кутубхона мудираси Л. Камолова завод ходими А. Раҳимовга китоб танлашида кўмаклашмоқда.**

П. ЭРГАШЕВ олган сурат.

## ТАЛАБАЛАР ЭЪЗОЗДА

«Қадр қилсанг — қадр кўрасан». Бу оддий насиҳат эмас. Ота-боболаримизнинг минг-минг йиллик ҳаётий тажрибаларидан келиб чиққан фикрлар қаймоғи. Ёшлар тарбиясида қанча-қанча тажрибалар қилинмади-ю усуллар қўлланилмади дейсиз. Кўп давраларда одоб-аҳлоқ, катталарга, ота-онага ҳурмат, кичикларга иззат мавзуида суҳбатлар ўтказилди. Ҳар ҳолда бу саъи ҳаракатларнинг озми-кўпми изи қолди. Бироқ ҳақиқий кутилган натижалар чиқмади. Ёшлар ҳам тўхтовсиз насиҳатлардан зерикишганини сир тутишмади. Қизиқ-да, уларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказишга эришамиз, дея видеобарларга кенг йўл очганлар эндиликда бармоқларини тишлаб ўтиришибди.

Нима бўлгандаям оёқ остидан нарироққа кўз ташлаб, умид билан олдинроқ ҳаракат қилган маъқул. Келажак ёшларники, деб ҳайқирилаверилади-ку, лекин ўша келажак лоп этиб пешонага келиб қолиши кам тасаввур қилинади. Жалолқудуқ район партия қўмитаси бу борада амалий ҳаракат бошлади. Шу ердан бориб жумҳуриятимиз пойтахтида таҳсил кўраётган талабаларни аниқлади. Улар 370 нафар. Тошкент Давлат университетида 54, Тошкент политехника олий билимгоҳида 52 нафар жалолқудуқлик ёшлар таълим олишаётир. Қисқаси, район вакиллари 21 та олий ўқув юртида бор экан.

Район партия қўмитасига фахрийларнинг вакиллари, 15 хўжалик раҳбарлари таклиф этилиб, маслаҳат қилинди. Сўнгра хўжаликлар, район ёшлар уюшмаси, ота-оналар ўз совға-саломларини, «Ёшлик» дастаси эса махсус концерт дастурини тайёрлади. Хуллас, Тошкентда ўқиётган жалолқудуқлик ёшлар билан учрашувга ҳозирлик кўрилди.

Яқинда ана шу учрашув бўлиб ўтди. Унга Тошкентда таълим олаётган 300 нафардан зиёд толиби илмлар ташриф буюришди. Тўкин-сочин дастурхон атрофида оталар ва болалар тўпландилар. Унда Жалолқудуқ район партия қўмитасининг биринчи котиби Мухтор Олимов, котиблар Аъзамжон Исмоилов, Ўктамжон Охунов, район ижроия қўмитаси раиси Манзурахон Эгамова, район комсомол қўмитасининг биринчи котиби Бахтиёр Жумабоев, фахрийлар кенгаши раиси Неъматжон Матқулов иштирок этдилар

Йиғилганлар Жалолқудуқнинг эртанги куни муаммолари, қилинажак ишлар тўғрисида дилдан суҳбатлашдилар. Талабалар кўнгилларини очиб, режаларини баён қилишди. Район ижроия қўмитасининг қарори билан ҳар бир талабага 100 сўмдан совға пули топширилди.

Учрашув барчада яхши таассурот қолдирди. Энг муҳими жалолқудуқлик талабалар ўз юртдошлари меҳрини қалбан ҳис этдилар. Бу тадбирни ҳар баҳор фаслида ўтказишга келишиб олинди.

Қ. АБДУҲАЛИЛОВ.

## ШИФОБАХШ МАСКАН

**Фарғона сув хўжалиги ходимларининг Хонқиз қишлоғи яқинида бунёд этилган шифобахш маскани дастлабки беморларни қабул қилди. «Ферганаирстрой» тресси жамоаси уч қаватли бинони мўлжалланган муддатда фойдаланишга топширди.**

**Кенг ва ёруғ палаталар, дам олиш жойлари, ошхона, маъданлар аралашган сув тўлдирилган ванналар, бошқа табиий йўл билан даволаш хоналари беморлар ихтиёрига бериб қўйилган. Шифобахш маскан бир вақтнинг ўзида эллик кишини қабул қилишга мўлжалланган.**

**Ҳозир Фарғона вилоятида 23 та санаторий-профилакторий ишлаб турибди. Бу ерда 2 мингга яқин сув хўжалиги ходими ўз соғлиғини тикламоқда.**

## СПОРТ АХБОРОТИ

### ФУТБОЛ

Мамлакат чемпионатининг биринчи гуруҳида иштирок этаётган жамоалар ўртасида учинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди. Бу ўйинларда дарвозаларга 18 та тўп киритилди. Шулардан 13 таси майдон эгалари, 5 таси меҳмонлар ҳисобига ёзилди. Етти ўйинда мезбонлар ғолиб чиқдилар. Фақат бир учрашувда меҳмонларнинг қўли баланд келди. Уч учрашувда дарвозалар даҳлсиз қолиб, рақиблар очкони бўлишиб олдилар.

Ўйинлар жадвалида пешқадамлик қилаётган Тирасполнинг «Тилигул» жамоаси сафарда Риганинг «Пардаугава» командаси билан учрашди. Кескин кураш остида ўтган матч 2:1 ҳисобида меҳмонлар фойдасига ҳал бўлди. Бу ғалабадан сўнг 6 очко тўплаган тирасполлик футболчилар карвонбошилик мавқеларини бой бермадилар.

«Зенит» командаси мавсумга пухта тайёргарлик кўрганлигини амалда исботламоқда. Ленинградликлар сафардаги икки ўйинда уч очко тўплашга муваффақ бўлишганди. Ўз майдонларида ўтказилган илк матчда ҳам мухлисларини хушнуд этдилар. Бу турда Симферополнинг «Таврия» жамоасини қабул қилган «Зенит» 1:0 ҳисобида устун келди ва жамғармасидаги очкони 5 тага етказди.

Республикамиз вакиллари — «Навбаҳор» ва «Нефтяник» командалари ўзаро куч синашдилар. Наманганда ўтказилган учрашувда ҳисоб очилмади. Шунингдек, «Нефтчи» (Боку)—«Зимбрул» (Кишинев), «Қайрат» (Олмаота) — «Ростсельмаш» (Ростов-Дон) командалари учрашувларида ҳам дарвозалар даҳлсиз қолди.

Нижний Новгороднинг «Локомотив» жамоаси «Факел» (Воронеж) командасини қабул қилиб, меҳмонлар дарвозасига жавобсиз иккита тўп йўллади. «Геолог» (Тюмень)—«Котайк» (Абовян) коллективлари ўйинида ҳам шундай ҳисоб қайд этилди. Бунда тюменлик футболчилар ғалаба қозондилар.

Бошқа ўйинлар натижаси: «Шинник» (Ярославль) — «Текстильщик» (Камишин)— 3:2, «Динамо» (Сухуми)—«Буковина» (Черновци)—1:0, «Уралмаш» (Свердловск)—«Динамо» (Ставрополь)—2:1, «Ротор» (Волгоград)—«Кубань» (Краснодар)—1:0.

Уч турдан сўнг олти имкониятдан шунча очко тўплаган Тирасполнинг «Тилигул» жамоаси якка пешқадамлик қилаяпти. «Ленинграднинг «Зенит» ва Нижний Новгороднинг «Локомотив» командаларида бештадан очко бор.

Навбатдаги учрашувлар 19 апрелда ўтказилади. Бу турда «Навбаҳор» ва «Нефтяник» командалари дам оладилар. Пешқадам — «Тилигул» Ленинградда «Зенит» жамоасининг меҳмони бўлади.

### БОКС

Таиланд пойтахти Бангкокда ўтказилган анъанавий халқаро мусобақа ниҳоясига етди. Мамлакатимиз чарм қўлқоп устаси Сергей Клоков (81 килограммгача бўлган вазнда) ҳал қилувчи учрашувда кубалик Роберто Альварисни енгиб, ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасига кўтарилди.

Республикамиз вакили тошкентлик Игорь Бунин (75 килограммгача бўлган вазнда) Орестес Солано (Куба)га очколар бўйича ютқазиб, кумуш медални қўлга киритди. Магаданлик Олег Николаев ва қарағандалик Игорь Шишкин ҳам ана шундай мукофотга сазовор бўлдилар.

### ШАШКА

Харьковда мамлакат биринчилиги давом этмоқда. Аёллар ўртасидаги бу мусобақанинг ўн тури ортда қолди. Етти очко тўплаган харьковлик Т. Чуб биринчи ўринни эгаллаб турибди. Думеш, Мартьянова, Хазанович, Хоруженко ва Пашкевич ҳисобида олтитадан очко бор.

**Муҳаррир Н. ЁҚУБОВ.**

## Ойнаи жаҳонда

19 АПРЕЛЬ, ЖУМА

● ЎзТВ I

8.00 «Воронов кадриллари», «Кафтдаги мусиқа». Телефильмлар.
8.30 «Ошиқ бўёқчи ҳақида эртак». Бадиий фильм («Ленфильм»).
9.50 «Камолот сари». Валижон Қодиров, Муҳайё Ўринбоева.
10.30 «Анъана». Телефильм.
11.05 «Араб тили» (такрор.).
11.35 Ойнаи жаҳон хазинасидан. Одил Ёқубов. «Улуғбек хазинаси». Видеофильм. 4-қисм.
12.40 «Замандас» (қозоқ тилида).

* * *

17.55 Янгиликлар.
18.00 «Одат». Мультфильм.
18.10 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
18.40 «Ахборот» (рус тилида).
18.55 Москва. **В. И. Ленин туғилган куннинг 121 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш.** Кремль Съездлар саройидан олиб кўрсатилади.
20.00 Москва. «Время».
20.45 Сайдулло Маҳкамов ва Зебо Турсуновалар концерти.
21.20 «Маърифатнома».
22.00 «Ахборот».
22.20 «Деҳқонларнинг долзарб вазифалари».
22.30 «Тоғларда қолди менинг қалбим». Бадиий фильм («Тожикфильм»).

● ЎзТВ II

19.00 «Кинокўзгуда ҳаёт» (рус тилида).
19.50 «Пульс». Хабарлар.
20.00 Москва. «Время».
20.45 «Моржлар». Телефильм.
21.05 «Милиция олий мактабининг бир куни».
21.35 «Кўзларни қувонтириб». Ўзбекистон классик балети кечаси.

● МТ I

6.00 «Тонг».
8.30 Инновация. Маркетинг. Натижа.
8.50 «Капитанлар ороли». Мультфильм. 1 ва 2-фильмлар.
9.20 «Анатолий ҳам Валентина...». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Владивосток).
9.40 «Янги Шаҳризода». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
10.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
11.30 ТСН.
11.45 Фестиваллар... Танловлар... Концертлар...
12.40 «Томга ёпиладиган япон черепицаси». Ҳужжатли фильм премьераси (Япония).

* * *

14.30 ТСН.
14.45 «Одамлар ва дельфинлар». Телевизион бадиий фильм. 3-фильм. 2-қисм.
15.50 «Онам, дадам ва мен».
16.20 «Эльдорадо остоналарида». Ҳужжатли-публицистик фильм премьераси (Узоқ Шарқ кинохроника студияси Японияning «Сибото» кинофирмаси билан ҳамкорликда суратга олган, 1990 й.).
17.50 «Янги Шаҳризода». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
18.55 **В. И. Ленин туғилган куннинг 121 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш.** Кремль Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Время».
23.00 «ВИД» таништиради.
02.00 «Меридиан». Халқаро янгиликлар.

Тунги телевидение

02.20 «Учрашув жойини ўзгартириш мумкин эмас». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
03.35 «Рус мўъжизаси — Гжель».

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»
(«Сельская правда»)
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул котиб — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими— 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 33-54-33. 32-56-36, Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Безатиш бўлими—32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

БУЮРТМА № 5096. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64602. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12